

20-May, 2025-yil

ИЗ ВА АШЁВИЙ ДАЛЛИЛАРНИ ҚАДОҚЛАШНИНГ ТУРЛАРИ ВА АХАМИЯТИ

Тухтаев Миржалол Улугбек ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, курсанти

Анотация: Уибу мақолада из ва ашёвий далилар тушинчаси уларнинг турлари ва таснифланиши, уларнинг белгиланган тартибда қадоқланиши, қодоқлаш турлари ва ахмияти тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: из ва далилий ашёлар изларнинг турлари, қадоқлаш татиби ва турлари, қадоқлашнинг ахмияти.

ВИДЫ И ЗНАЧЕНИЕ УПАКОВКИ СЛЕДОВ И ВЕЩЕСТВЕННЫХ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ.

Анотация: В этой статье представлена информация о видах и классификации следов и вещественных доказательств, упаковке в установленном порядке, о типах упаковки также их значение.

Ключевые слова: виды следов и вещественных доказательств, виды и порядок упаковки, значение упаковки.

TYPES AND SIGNIFICANCE OF PACKAGING OF TRACES AND PHYSICAL EVIDENCE

Anotation: This article provides information on the types and classification of traces and physical evidence, packaging in accordance with the established procedure, types of packages and their significance.

Key words: types of traces and physical evidence, types and order of packaging, the meaning of packaging.

Хозирги кунда дунёда энг асосий муоммолардан бири жиноятчилик бўлиб келмоқда. Бу жиноятларни очища Ўзбекистонда турлича ислохотлар олиб борилмоқда. Хусусан, янги норматив хуқуқий хужжатлар қабул қилинмоқда. Мисол тариқасида “ГЕНОМ БЎЙИЧА ДАВЛАТ РЎЙХАТИГА ОЛИШ” тўғрисидаги қонунни келтиришимиз мумкин. Бу қонун асосида шахсларни геномига оид маълумотларни ягона базага киритиш асосий вазифалардан бири сифатида мўлжалланган. [1]

Хар қандай жиноят ўзидан из қолдиради. Бу изларни аниқлаш учун ходиса жойини белгиланган тартибда кўздан кечириш лозим. Ходиса жойини кўздан кечириш икки босқичда амалга оширилади: статик ва динамик. Статик босқичи деганда, ходиса жойининг даслабки холатини ўзгартирасдан, қандай холатда бўлса,

20-May, 2025-yil

шундайлигича ўрганиш ва қайд этиш тушинилади. Бунда, ходиса жойидаги барча объектларнинг жойлашган жойлари қайд этилади. Статик босқичда аниқланган барча объектлар қўл теккизилмасдан кўздан кечирилади, таърифланади ва фототасвирга туширилади. Динамиқ босқичда ходиса жойидаги объектларнинг хусусиятларини ўрганиш ва қайд этиш мақсадида уларнинг даслабки жойлашуви ва холатлари ўзгартириб ўрганилади. Объектларни қўлга олишда, уларда бармоқ излари бўлиши мумкинлиги этиборга олинади. Бундай холатларда қўлга резина қўлқоп кийилади ва ходиса жойидаги буюм хамда нарсаларни уларнинг қирраларидан, учларидан, жиноятчининг қўли тегиши мумкин бўлмаган жойларидан ушланади.[2]

Ашёвий далиллар— жиноят ёки фуқаролик ишини тўғри юритиш учун аҳамиятли бўлган нарсалар. Амалиётда даллилар «тилсиз гувоҳлар» деб юритилади. Келиб чиқишини, кимга тегишлилигини, маълум мақсадларда фойдаланилганлигини ёки турган жойи ўзгарганлигини, у ёки бу моддалар, нарса, жараён ва ҳодисалар таъсири этганлигини аниқлаш мумкин бўлган моддий белгиларга, шунингдек иш ҳолатларини аниқлашга хизмат қиласиган ҳар қандай бошқа аломатлар ва белгиларга эга бўлган нарса ашёвий далил хисобланади.

Излар- жиноят содир этан шахс томонидан қолдирилган, жиноятни очиш учун етарлича бўлган ҳар қандай объектлар. [3]

Излар таснифланиши бўйича қўйдагиларга бўлинади: қўл излари, яланг оёқ излари, поябзал излари, транспорт воситаларнинг излари, эшиклар, деразалар, ёпиш мосламалари, қулфлар ва уларда қолинган излар, бузиш куроллари ва ускуналарнинг излари, қон, сперма, сўлак, терлаш излари ва одамнинг бошқа из моддалари. Қисқача излар тўғрисида маълумотлар бериб ўтамиш.

1)Ходиса жойидаги қўл излари бўйича қўйдагиларни аниқлаш мумкин: қўл изини қолдириган шахсни аниқлаш; шахснинг тахминий ёши бўйи ва жинси тўғрисида маълумотларга эга бўлиш; изни қолдириган шахс қўлининг хусусиятлари тўғрисида маълумотга эга бўлиш;

2) Яланг оёқ излари қўйдаги турларга бўлинади: статик ва динамик излар. Статик излар одамнинг бир жойида туриш натижасида хосил бўлади. Динамик излар эса сирпаниш натижасида хосил бўлган излар.

3) Пояфзал излари бўйича қўйдаги масалаларни хал этиш мумкин: жиноятчининг сўнги харакат ёналишини аниқлаш; ходиса жойида бўлган шахсларнинг микдорини; из қолдириган шахснинг жинси тўғрисида маълумотлар тўплаш; юриш одатлари тўғрисида.

4) Транспорт воситалари излари бўйича қўйдагиларни аниқлаш мумкин: транспорт воситаси русуми ва моделини транспорт воситаси харакат ёналиши ва унинг тезлигини.

5) Қон сперма сўлак излари бўйича: биологик объек одамга ёки хайвонга тегишлилигини, қон кетиши одамнинг қайси тана азосидан бўлганлиги, одамда қайси кассалик мавжудлиги, одамнинг шахсини аниқлаш мумкин.

20-May, 2025-yil

Текширув давомида жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ёки ишнинг холатлари билан боғлиқ бўлган ашёлар ва излар суд экспертизаси қоидаларига мувофиқ суратга зарур хисобланади. Ундан кейн даллилар олинади ва қадоқланади ва мухирланади. Уларнинг топилган жойи ва бошқа маълумотлар қадоқлаш материалида кўрсатилади. Ёзув текширувда иштирок этаётган гувохлар, мутахассис ва терговчининг имзолари билан тасдиқланади.

Из ва далилий ашёларни олиш ва қадоқлашга келадиган бўлсак, улар қўйдагича амалга оширилади:

- сочлар, олиш пинцет билан амалга оширилади қадоқлаш қалин қофозга хар бир намуна алоҳида қофозга;
- сперма, олиш ташувчи буюм билан бирга(сигарет қолдиғи сочик рўмолча) қадоқлаш пробирка фолга бир парча тоза докага;
- сўлак, олиш ташувчи буюм билан бирга, қадоқлаш бир парча тоза докага кейн эса пробирка ёки конвертга;
- қон, олиш қуритилган тоза дока билант артиб олинниб кейн қуритилади, агар қон котиб қолгган бўлса кирриб олинади, қадоқлаш пробиркага агар кирриб олинган бўлса қофозга сўнга конвертга;[4]

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ходиса жойини кўздан кечириш қанчалик сифатли бўлса, жиноялар хам шунчалик самарали очилади. Юқорида келтириб ўтканимиздек, жиноят излари ва ашёвий далиллар турлича кўринишда бўлар экан ва хар бир объектни қадоқлашда турлича харакатлар амалга оширилмоқда. Ашёвий далилларни тўғри қадоқлашнинг асосий мақсади, далиллар яроқсиз холатга келиши ва уларни сифати ўзгаришини олдини олиш хисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

- 1) “Геном бўйича давлат рўйхатига олиш” тўғрисидаги қонун 2020 йил 28 октябрь.
- 2) “Ходиса жойини кўздан кечириш” дарслик Носиров. У. М. Тошкент 2014.
- 3) <https://www.garant.ru/products/ipo/prime/doc/1205854>
- 4) <https://qomus.info/encyclopedia/cat-a/ashyoviy-dalil-uz/>